

## **АКАДЕМИК ХОНАНДАЛИК САНЬЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА**

### **ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

**Юнусов Одил Файбулаевич**

**Чирчик давлат педагогика университети ўқитувчisi**

#### **Аннотация**

Мазкур мақолада академик хонандалик мактабларининг ривожланиши, дастлабки ўзбек опералари ўзбек ва рус композиторларининг ижодий ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистонда Академик хонандаликнинг ривожланишида катта хисса қўшган хонандалар ижодлари хақида маълумотлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** вокал санъати, сўзсиз, соло, vociferarril, phonasci, vocales, компетентлик, ўрганиш, куйловчи услуб, декламацион услуб.

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения о развитии школ академического пения, творческом сотрудничестве узбекских и русских композиторов первых узбекских опер, творчестве певцов, внесших большой вклад в развитие академического пения в Узбекистане.

**Ключевые слова:** вокальное искусство, бессловесность, соло, воцифераррил, фонаски, вокал, компетентность, обучение, певческий стиль, стиль декламации.

**Abstract.** This article provides information about the development of academic singing schools, the creative cooperation of Uzbek and Russian composers of the first Uzbek operas, and the works of singers who made a great contribution to the development of academic singing in Uzbekistan.

**Key words:** vocal art, wordless, solo, vociferarril, phonasci, vocales, competence, learning, singing style, declamation style.

Мусиқа санъати эстетик дид, хиссиёт идрокнинг битмас туганмас манбаидир. Инсон юрагини ва ақлини забт этувчи мафтункор дунёдир. Бугунги кунда умумтаълим мактабидаги мусиқа маданияти фани бирданига шаклланган фан эмас, балки мураккаб-тараққиёт йўлини босиб ўтган фан сифатида эътироф қилинмоқда. Шунинг учун инсон доимо гўзаликка интилиши ва кундалик ҳаётда шу гўзаллик қоидаларига амал қилиши лозим. Мусиқий анъаналар, тадбирлар, маҳаллий маросимлар ўзбек халқининг ижтимоий, тарихий ривожланиши, этнопсихологик хусусиятлари, ҳаётий тажрибаси, ижтимоий қарашлари шаклланган бўлиб асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб

келмоқда. Шу туфайли талаба ёшларда Ватанга мухаббат, меҳр оқибат, ахлоқ-одоб, маърифий-маданий каби фазилатлар қарор топиб боради. Ушбу вазифаларни амалга оширишда мустақиллик йилларида таълим тизими니 ривожлантириш бўйича, хусусан, мусиқа таълим мини ривожлантиришга қаратилган муҳим норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди . Таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва қўнималарини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора тадбирлар давлат сиёсати даражасида ривожлантирилмоқда [1].

Одам овозининг юқори ва ўта юқори регистрлари,шу тариқа,энг янги даврнинг кашфиёти бўлди. Бунда овоз, сўз, гоя аста-секинлик билан уйғунлашиб, бевосита тасаввур ҳосил қилиш учун мослаша борди. Ҳонандалик мактаблари шунинг учун ҳам юзага келадики, улар одам овози, кўпинча ғайритабиий ва бош оғриқли бўлган турли тесситурали мусиқий асарларни ижро қилиш учун зарур бўлган икки оқтавани эгаллай олсин деган талаблар ҳам қўя бошланди. Барча асрлар мобайнида одамнинг овоз аппарати ва унинг имкониятларини ўрганиш, ижро мактаблари, методлари, тамойилларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилди. Бироқ барча ишлар тавсифий характерга эга эди, уларнинг муаллифлари вокал техникаси ривожланиши, ижро тамойилларига батафсил тўхталмас эдилар. 1855 йилда испан педагоги М.Гарсиа томонидан ларингоскоп (дастакли ойна) ихтиро қилинганидан ва куйлашда нафас ҳаракатлари ўрганилгандан (XIX асрнинг 40-йиллари Диден ва Петрекен) кейин методик кўрсатма ва ўқитиш методлари илмий асосга эга бўла бошлади. Италиялик ажойиб хонанда Л.Вольти қўшиқчилик ҳақида ёзади: «Куйлашинсон табиатининг энг муҳим кўриниши, чунки у хис-туйғулар, эҳтирослар, инсоннинг анатомик ва маънавий структураси билан узвий боғлиқ тасаввур, фикр ишининг ифодаси саналади. Артистик куйлаш, ҳоҳ камер, ҳолида бўлсин, техник билимлар, машқлар, метод ва усулни талаб этадики, бунга фақат таълим орқали эришиш мумкин. Санъатга хизмат қилиш ва овозни сақлаб қолиш учун шунчаки куйлашнинг ўзи етарли эмас, куйлашни билиш керак». Дарҳақиқат, академик хонандалик мактаби овоз аппаратини ривожлантиради, ҳиқилдоқ, нафас олиш тизими ва резонаторларни эстетика ва акустика қонунларига мос келадиган мусиқий товуш чиқара оладиган уйғун яхлитликка айлантиради. Акустик қонунлар учун эса турли мактабларнинг фарқи йўқ, чунки улар фақат товушнинг асл табиий жарангига билан иш қўради. Академик хонандалик мактаби овоз аппаратини мукаммалаштиришга хизмат қиласди, бўшлиқларни тўлдиради холос. Бироқ методлар ўзгаради, ҳар бир мактаб, ҳар бир ўқитувчи, афсуски, ўз шахсий методига эга. Мусиқа санъатини инсонларнинг рўхиятига ҳамда вокал техникаси масалалари ва муаммолари Гиппократ (эр.авв.IV-V аср грек шифокори, антик тиббиёт асосчиси) ҳамда Платон (эр.авв.IV аср грек файласуфи, Сократнинг шогирди) асарларида ҳам ўрганилган. Бундан 2500 йиллар олдин Гиппократ «овоз

бошда, яни чаноқ бўшлиқларида туғилади»деб ёзган, бу билан резонанс ва резонаторлар аҳамиятини таъкидлаган. Профессионал академик хонандалик вокал санъати антик дунёда ҳам маълум бўлган. VIII-IX аср Греция адабий ёдгорликлари: Гомер, Сапфо, Эсхил, Софокл асарлари шундан далолат беради.

Европа академик хонандалик вокал санъати асосан ҳалқ ва культ қўшиқлари шаклида ривожланган. Академик хонандалик санъатининг биринчи тарихий вакиллари-ҳалқ хонандалари. Ўрта асрларда Фарбий Европада булар: Англияда бардлар (X аср), Францияда трубадурлар (XI аср), Германияда минезингерлар (XII аср), Россияда скормохлар (XI аср), Украина, Польшада бандурачилар, кобзачилар (XV аср), Россияда гусличилар (XVI аср), Белоруссия, Молдова, Литва, Украина лирниклар (XVII аср); Кавказда Арманистон, Озарбайжонда гусанлар (V аср), ашуглар (X аср); Ўрта Осиёда эса Қирғизистон ва Қозоғистонда оқинлар, жирлар (XIX аср) бўлган. Ўзбекистонда қадимдан хофиз хофизалар ижодлари маълум [2, 29].

Ўзбекистонда Академик хонандалик жанри ўзбек мусиқали драмасининг ривожи асосида, шунингдек, чет эл мумтоз Операсининг таъсирида юзага келган. XIX-асрнинг охири XX-асрнинг бошларида Тошкентга 1894 йилда грузин; 1907-1915 йилларда италян, татар, рус, озарбайжон Опера труппалари гастролга келган. 1918-йилдан Тошкентда Рус опера театри ўз фаолиятини бошлаган. 1929-йилда М.Қориёқубов ташаббуси билан Ўзбек мусиқали театри ишга тушди. Унинг репертуари, асосан, мусиқали драмалардан иборат бўлган. Мазкур театр саҳнасида ўзбек тилида қўйилган биринчи опералар - “Ер Тарфин” (Е.Брусиловский, 1937) ва “Наргиз” (М.Магомаев, 1938) лардир. Ўзбек опера ва балет труппаси Ўзбек мусиқали театри заминида юзага келиб, 1939-йил. С.Василенко ва М.Ашрафийнинг “Бўрон” Операси билан ўз фаолиятини бошлаган [3, 118]. Дастребаки ўзбек опералари ўзбек ва рус композиторларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида ҳамда Ўзбекистонда ижод қилган рус композиторларининг маҳаллий мавзудаги ижодида ривож топган Р.Глиер, Т.Содиков, “Лайли ва Мажнун”, 1940; “Гулсара”, 1949 А.Козловский, “Улуғбек”, 1942). Шу даврда ўзбек тилида жаҳон мумтоз Опера намуналари Ж.Бизенинг “Кармен”, 1944; П.Чайковскийнинг “Евгений Онегин”, 1947 ва бошқалар ҳам саҳналаштирилди. Кейинчалик ўзбек композиторларининг афсонавий-романтик, тарихий, лирик, замонавий мавзулардаги мустақил Опералари пайдо бўлди: “Дилором”, “Шоир калби” М.Ашрафий, “Ҳамза” С.Бобоев, “Хоразм қўшиғи” М.Юсупов ва бошқалар. Биринчи ўзбек ҳажвий Операси “Майсаранинг иши” (С.Юдаков) бўлиб, бир неча чет мамлакатлар театрларида куйилган. “Ёрилтош” С.Бобоев биринчи ўзбек болалар Операсидир.

1970-1980 йиллари ўзбек композиторлари Опера жанрини мавзу жиҳатидан бойитишиди. Шу давр ичидаги тарихий “Мангулик” У.Мусаев, “Фидойилар” С.Бобоев, замонавий “Садоқат” Р.Абдуллаев, атоқли шахсларга бағишланган “Суғд элининг

қоплони” (И.Акбаров), “Зебуннисо” (Сайфи Жалил), “Алишер Навоий” М.Бурхонов, шунингдек, камер Опералар “Соҳилда тўқнашув” Н.Зокиров, “Она қалби” Ҳ.Раҳимов ва бошқаларнинг опералари саҳналаштирилди [4, 63]:

Мустақиллик даври ўзбек Академик хонандалик жанр талқини, мавзуу ва мазмун доираси янада кенгайтирилиб, бойитилди: жаҳон мумтоз адабиёти Н.Зокировнинг “Шекспир” трагедиялари асосида яратилган “Ҳамлет” ва “Макбет” Опера-диологияси), хозирги замон ижтимоий муаммолари Н.Зокировнинг “Мухторият” опералари, О.Абдуллаеванинг “Вафо”, Ф.Янов Яновскийнинг “Оркестр” Опералари, тарихий шахслар сиймолари М.Бафоевнинг “Ал-Фарғоний”ва фалсафий мавзулар И.Акбаровнинг “Ибтидо ҳатоси” Ораторияси опера жанрини кейинги ривожини белгилади. Мазмунни талқин қилишда асосий урғу миллий ҳамда умумбашарий маънавий қадриятларни тарапнум этишга, мураккаб вазият ва психологик ҳолатларни чуқур ифода этишга қаратилди. Бу даврда ўзбек композиторлари опера асарларида ўзбек халқ мусиқа мероси ва миллий ижрочилик анъаналарини замонавий ифода ва техник воситалар билан узвий боғлашга аҳамият бердилар [4,150].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда академик хонандалик жанрини ривожланишига ўлкан ҳисса кўшган опера хонандаларимиздан Карим Зокиров, Назира Аҳмедова, Ҳалима Носирова, Саттор Ярашев, Ергаш Юлдошев, Саодат Қобуловаларринг ижролари, хозирги кунда эса Исмоил Жалилов, Муяссар Раззоқовалар ёш келажак авлодга академик хонандалик ижрочилик сир асрорларини ўргатишида ўз педагогик ва академик билимларини бериб келишмоқда. Бу ўз навбатида опера жанри бўйича мутахассиларни тайёрлаш тизимининг янада такмоиллашувига ўз хиссасини кўшади.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори, 02.02.2022 йил. ПҚ-112-сон.
2. Қаххоров Н.Б «Вокал ижрочилиги » Ўкув қўлланма Тошкент «Иқтисодиёт-молия » 2008 йил 28-36 б.
3. Муродова Д. Ўзбекская опера. 1984. 117-129 б.
4. Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида, Мусика ижодиёти масалалари, Т., 2002. 63-87 б.
5. Юнусов О. F. Опера хонандалик санъатининг ривожланиш тарихидан. Муғаллим хем узликсиз билимленидириу № 2/1 Илимий-методикалық журнал 2021. 148-155 бет.